

«Дарға» сөзі хақында каракалпак тилиниң түсиндирме сөзлинде «1. Кемеге жууапкер адам, 2. Кемениң тумсык бетинде туруп, узын сырықтың жәрдеми менен сүүдың тереңлигин аныклап туруушы адам, 3. Жағыстан қайык пенен өткеріуші адам» [2:58] деп анықлама берилген.

Жууамақлап айтқанда, каракалпак тил билиминде гидронимлердің көркем шығармаларда белгили стильлик

Әдебиетлар

1. Вопросы каракалпакского языкознания. -Нукус: «Каракалпакстан», 1983.
2. Каракалпак тилиниң түсиндирме сөзлиги. II том. -Нөкис: «Каракалпакстан», 1984.
3. Каракалпак тилиниң түсиндирме сөзлиги. III том. -Нөкис: «Каракалпакстан», 1988.
4. Мамбетов К. Посқан ел. -Нөкис: «Каракалпакстан», 1988.

Мақолада К.Мамбетовниң «Посқан ел» романида гидронимларниң тутған ўрни хақида сўз юритилиб, гидронимларниң қўлланилиши илиий асосда баён этилган. Бир қатор гидронимлар бадий асарлар тилида персонаж ва қахармонларниң яшаш ўрнини билдириш учун қўлланилади. Мақолада Кунгрот бекилгидеги кадимги сув объектлари атамалари семантикаси таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль гидронимов в романе К.Мамбетова «Посқан ел» на научной основе анализируется использование гидронимов. Ряд гидронимов используется для указания места жительства героев и персонажа в произведении. В статье анализируется семантика наименований водных объектов, которые раньше были в Кунградском бекстве.

SUMMARY

The article deals with the role of hydronyms in the novel «Posқан el» by K.Mambetov and use of hydronyms is explained on the scientific basis. Some hydronyms are used to express the living places of personages and heroes in literary language. In the article there have been analyzed semantics of names of earlier water objects in Kungrad ruled by beks.

РЕАЛИСТИК ТАСВИР ВА БАДИЙ МАҲОРАТ

С.Матякупов - филология фанлари номзоди

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: индивидуаллик, бадий ифода, образлилик, бадий тафаккур, фалсафий талкин.

Ключевые слова: индивидуальность, художественная интерпретация, образность, художественная идея, философическое толкование.

Key words: individuality, literary interpretation, literary, idea, philosophic interpretation.

Бугунги ҳикоячилигимизни бадий психологизм-туйғулар реализми таҳлили нуқтаи назаридан қарайдиган ва ўрганадиган бўлсак, унда аввалгилардан фарқли ўлароқ ҳаётни, инсонни туйғулар таҳлили, кечинмалар динамикаси орқали бадий тадқиқ этиш маданияти шаклланганлигини кузатиш мумкин. Истиқлолдан олдин бадий адабиётда социологик талкин ва ўшанга мос бадий идрок ва ифода етакчилик қилган бўлса, бугунга келиб инсонни фалсафий-психологик тушуниш ҳамда тушунтириш устувор тамойил бўлиб қолди.

Назар Эшонқулнинг «Хаёл тузоғи» ҳикоясидан бу фикрларнинг исботини топиш мумкин. Мазкур ҳикояда фалсафий рухий таҳлилнинг ўзгача кўринишининг шохиди бўламиз. Ҳикояда ахлокий покдомонлик-боқий маънавий қадрият ҳамма вақт адолатнинг асосий мезонларидан бири сифатида талкин этилади. Бу-масаланинг бир жиҳати. Иккинчи ва энг муҳим жиҳати шундаки, барча бахтсизлик, ҳўрликлар ва хорликлар кўнглида ўсиб-улғайиб мутелик туйғуларни тарзида ҳосил беришига асар қаҳрамонининг ўзи сабабчи бўлади. Йўқса, ақл-хушли, истеъдодли Вокиф восвос касалига чалиниб, савдойи бир одам бўлиб қолармиди?

Назар Эшонқул «Ижод-руҳнинг хурлигидир» мавзусидаги суҳбатидида шундай фикрларни илгари суради: «Бугунги ўтиш даври каби ўткинчи, «асарлар сероб. Шундай бўлса ҳам бозорбоп ёки бугун бозори чаккон асарларни адабиёт деб баҳолайвермайлик. Адабиёт-миллат руҳининг, миллат маданиятининг бир қисми. У сотилмайди, сотиб олинмайди, ёлгон гапиролмайди. Инсон номини асрлар оша мағрур куйлаб туради. У ҳар қандай жамиятда ҳам инсон руҳининг машғаласи бўла олади. Ижод Оллоҳ таоло инсонга берган энг буюк неъмат. Ижод инсон руҳининг хурлигидир. Шу сабабли унда ёлгон гапириб бўлмайди» [2,3].

Адибнинг мазкур эстетик концепцияси «Хаёл тузоғи» ҳикоясида ўзининг бадий ифодасини топган. Асар ижодкор шахс фожиасини, савдойиликка мубтало бўлган инсон қисматининг ўткинчи ва даҳшатини истеъдодли аъзосини ҳимоя этолмаган ва аксинча, одамни жинни бўлишга мажбур этган муҳитнинг касаллик илдизларини очиб кўрсатишга йўналтирилган. Зеро, Иззат Султон таъкидлаганидек, «реализм ҳаётдан нусха кўчириш эмас, ҳаётни фикр «элагидан» ўтказиб, унинг «мағзини чакиб» тасвирлашни талаб этади» [1:306]. Бу нарсанинг академик М.Б.Храпченко асарларида аянда чуқур таърифланган ҳолатини кузатамиз. «Реалистик методнинг моҳиятини, унинг жонини, қалбини ижтимоий таҳлил, инсоннинг ижтимоий тажрибасини тадқиқ ва тасвир қилиш орқали шахс билан жамият орасидаги социал муносабатларни, ҳамда жамиятнинг ички тартибларини ўрганиш ва тасвир этиш ташкил қилади» [4:191].

максетлерде жумсалыўы мәселеси, олардың семантикасы, этимологиясын аныклаў мәселелери терминология илиминде шешимин күтип турған мәселелерден бири деп есаплаймыз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсоннинг иқболи-ю заволи ўз табиати ва шу инсон вояга етган жамиятнинг маънавий-ахлокий асослари билан боғлиқдир. «Йиртқичдан қочган қуён овчи тузоғига тушиб қолганидек, Вокиф ҳам ўзининг омадсизлик, тушқунлик ва умидсизликдан иборат умр бўронларидан қочиб, худди ўзи тасвирлаган шахар ўртасидаги улкан бинодан маҳобатли ва сервахм ҳаёл тузоғига тушиб қолган эди. Одам ҳаётига маҳбуслигини, бу ҳибсхонадан фақат ҳаёллар орқалигина учиб чиқиши ва шу йўл билангина кўнгли ва руҳини озод қилиши мумкинлигини узок ўқубатлардан сўнг англаб етган кишигина шундай тузокка тушиши мумкин» [3:152].

Кўнгли ва руҳ эркинлиги – бу масалага тасаввуфий тасаввур тушунчалари орқали тириклик моҳиятини баҳолаш эмас, у инсониятни маънавий нафс масаласининг турли қирраларидан бири тариқасида ўйлантириб келадиган муаммодир. Инсонга ато этилган тириклик – бу саодатли неъматми ёки рухий қуллик кўринишларидан бирими? Н.Эшонқулнинг «Хаёл тузоғи» ҳикоясида юқоридаги мулоҳазалар асосида адиб ўз қарашларини ифода қилади. Ҳикоя қаҳрамони Вокифни ҳалокатга, фожиага олиб келган омиллар шунчалик серобки, у севги-муҳаббатда ҳам, касб-кор этагини тутганда ҳам бахти бутун эмас. Севгилиси Робия билан оила қуришда қаршиликка дуч келади, тирикчилик бир нави ўтиб туриши учун эса ўртамаёна бир газета редакциясида ишлашга мажбур бўлади. Қолаверса, унинг иродасининг тизгини ҳам ўз измида эмас, у ихтиёрини муҳитнинг раёйига, тартиб-тузумларига топшириб қўйган шахс. Бу– Вокиф томонидан йўл қўйилган гуноҳлардан биридир. Иродасининг сустлиги, ўз ихтиёрини қўлдан бой бериши-бу Оллоҳнинг иродасига бефарқлик билан баробар. Бу эса ўз ирода қучига ҳам ишончи суст демакдир. Ўзига ишонмаган, ўз кўнглига таянмаган инсон ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда ҳам сустлик қилади.

«Бу дунёда номаълум нарсалар шунчалик кўпки, бу номаълумлик ҳар қандай одамни ютиб юбориши ҳеч гап эмас. Энг ёмони-ўзингга ўзинг номаълум бўлиб қолишинг. Номаълумлик ҳар кеча менинг устимга лашкар тўплаб келади, тузук ташлаб қўради. Ўзига-ўзи номаълум одам-киёфаси йўқ одам. Киёфаси йўқ одам тириклар биносида яшай олмайди. Бу эски, бадбўй бинони қанчалар кезмасин, ўзига киёфа тополмайди. Киёфаси йўқ одам эса ўлган одамдир...» [3:153]. Ҳикоя қаҳрамони Вокифнинг ушбу мулоҳазалари бу ўз иродаси тизгинини бой берган, руҳи сўниқ, кўнгли муте йигитнинг эътирофидир. Зеро, иродаси эркин бўлмаган кимсанинг дили ҳам қул бўлади. У ўз ҳатти-ҳаракатларига масъул эмас ва у ўз босган қадами эзгуликка ёхуд ёвузликка олиб боради бунини ҳам тугал идрок этолмайди.

Вокифнинг инсон сифатидаги фожиаси шундаки, ўзидаги ирода салоҳиятини, табиатидаги ҳиммат,

олижаноблик, истеъдодини намоён этиш ўрнига қўпроқ ўз эркини юзага чиқариш йўллари излаб, мулоҳазага берилади холос. Ҳикоядаги оқ уй-қамоқхона, болта, коншунчаки тимсоллар эмас, улар-эрк қушандалари. Вокиф шахсини синдирган, истеъдодини бўғиб, кўнгил эркининг зоҳир бўлишига имкон бермаган ёвузлик кучлари тарикасида намоён бўлади. Одам ботинидаги Эзгулик билан Ёвузлик олишувиди улардан бирининг устунлиги-бу Ирода эркинлигининг парвози ёхуд таназули демакдир. Шундай экан, Вокиф ўз эркини ўзи бой беради, унинг фожиаси ҳам ана шунда. У ўзини ўзи енголмай, зоҳири ва ботинидаги ёвуз кучлар қурбонига айланди.

«...Вокифдан қолган хотира ёки иккалалари ўртасидаги муҳаббатнинг тимсолигина эмас, балким дўзахдан ҳам юз қарра мудхироқ ва аянчироқ бўлган умрдан маъно ва мазмун излаган одамнинг ҳаёт ҳақидаги ҳулосаси ҳам эканлигини, Робиянинг ўзи эътироф этганидек, бинонинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, бедаракликка юз тутган қалбни фақат Яратгангина муҳокама қилишга қодирлигини ва ҳаммамиз ҳам эртами-кечми барибир шу йўлни танлаётганимиз ва шу ҳулосани топаётганимиз ёки бўлигимиз ўчоқдек офтобнинг сўлгин нурлари тўкилиб турган, худди одамнинг ўтган кунлари каби, ҳазонлар уюлиб ётган ўша куз окшоми жуда яхши тушуниб ётганимиз; алҳол, ўлим маликаси қувлаб юрган ва елкасида унинг нафасини ҳис этиб бораётган ғулу ҳамда алдовга мубтало бўлган қалбнинг йўқлик оламига

чекинишини тушуниш унчалик қийин эмас эди... Йўқлик биносини кўра олган Вокифга тириқлар орасида ҳам, ўлиқлар орасида ҳам жой қолмаган экан» [3:153].

Вокиф бу дунёдан ўз ўрнини тополмаган, ҳаётини йўлга қўя билмаган экан, у дунёсидан ҳам норози. У дунёсига ҳам боргиси йўқ ва у ўзга учинчи дунёга бош олиб кетади, буюрлар дунёсидир. У ер юзиди тирик юрган чоғида ҳам ўзини рухият бандаси деб биларди ва ёлғиз руҳи билан суҳбатлашар, ёлғиз руҳининг иродасига бўйсунар эди. Ўғтибор берсак, адиб талқинига кўра фаний ва боқий дунёдан ташқари яна руҳ олами, дунёси ҳам мавжуд экан. Одам ана шу учинчи дунёнинг соҳир саодати-оби ҳаётдан тотиб, илҳом олиб, яшашига шавқи-завқи ортади. Демакки, ўзлигини қанча теран англаган сайин ҳаёт ва умр сирларидан вокиф бўлиб боради.

«Хаёл тузоғи» ҳикоясининг қаҳрамони Вокиф фожиаси яна шундаки, у Билгич дунёсининг Йўқлик водийсида қалғиб, чўкиб кетган инсон. Бу нарсаси аксарият ҳолларда Оллоҳ билан ижодкор одамлар ўртасидаги мулоқотда кўнгил билан боғлиқ кечади. Хусусан, Оллоҳ билан ижодкор шахс ўртасида кечаётган илоҳий суҳбат чоғида у кўнгил райига муккасида кетади. Оллоҳ иродасини, негадир ҳисобга олмай қўяди. Яъни, Оллоҳни бир лаҳза бўлса-да, унутари. Вокифнинг Борлиқдан Йўқлик чоғига йиқилиши учун эса, ана шу сония кифоя қилади. Бу билгич дунёсида туриб, ўзини-ўзи билмаслик, кўнглига жойланган эркинликларнинг моҳиятини унутишлик оқибатидир.

Адабиётлар

1. Султон И. Адабиёт назарияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1980.
2. Эшонкул Н. Ижод - руҳнинг ҳурлигидир // Ёзувчи. 1998, 21 январь.
3. Эшонкул Н. Хаёл тузоғи // Шарқ юлдузи. 1994, 9-10-сон.
4. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. -М.: Худож. лит., 1970.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ҳикоятчилигида реалистик талқин ва бадий маҳорат масаласи тадқиқ этилган. Ижодкор услуби ва маҳорати хусусида мулоҳаза билдирилган. Ёзувчининг ижодий индивидуаллиги аниқ асар мисолида таҳлил қилинган. Мавзу Назар Эшонкул ижоди мисолида ўрганилиб назарий ва бадий таҳлил натижалари умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы реалистического анализа и художественного мастерства в узбекской прозе. А также анализируются стиль писателя, его мастерство, творческая индивидуальность на основе конкретных примеров, а именно на основе анализа художественных особенностей творчества Назара Эшонкула.

SUMMARY

The article deals with the issues of realistic analysis of literary skill in Uzbek prose. There were also analysed the writer's style, his mastery, creative individuality on the basis of concrete examples on the basis of the analysis of artistic peculiarities of the creative activity of Nazar Eshankul.

ОБРАЗОВАНИЕ ПАССИВНОГО ЗАЛОГА В АНГЛИЙСКОМ И В КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ

Г.Пренова -преподаватель

Ўзбекский государственный университет мировых языков

Таянч сўзлар: семантика, феъл категорияси, феълнинг фаол ва фаол бўлмаган шакллари, нисбат, аналитик, синтетик, ўтмил феъл, таржима.

Ключевые слова: семантика, категории глагола, активные и пассивные формы глагола, залог аналитический, синтетический, переходный глагол, перевод.

Key words: semantics, categories of the verb, active and passive forms of the verb, voice, analytical, synthetical, transitive verb, translation.

Язык-орудие общения. С помощью этого орудия личность передаёт свои мысли другому человеку. Трудно себе представить общественную жизнь без языка. Нужно уметь правильно использовать языковые средства. Неправильное и неуместное использование законов языка приводит к нарушению назначения языка. Для изучения иностранного языка, мы должны, в первую очередь глубоко изучить свой родной язык. После провозглашения независимости нашего государства, усилилось внимание к родному языку, проделан ряд работ по расширению общественного значения языка. Вместе с тем усилился интерес к изучению иностранных языков и в особенности английского языка. Всем известно, что английский язык изучается практически во всех государствах мира. Это связано с тем, что английский язык является языком международных отношений и государственным языком во многих странах. В Узбекистане английский язык изучается в высших учебных заведениях, колледжах, школах и даже в детских садах.

Проблема семантики глагольной категории залога – самая важная и самая трудная в учении о залоге. Есть несколько разных решений этой проблемы вплоть до прямо противоположных.

До 80-х годов XX в господствовали восходящая к античности концепция, согласно которой пассивные и активные формы глагола, отражая разные стороны одной и той же сложной ситуации, передают взаимоисключающие зна-

чения: первая – действия (действительное значение), вторая – страдание (страдательное значение, подвергнутость действию), процесс или состояние. Используя современную терминологию, можно сказать, что представители этой концепции приписывают залоговым формам разную денотативную семантику [1:93-94].

Главной задачей данной статьи является рассмотрение путей образования страдательного залога глагола (passive voice) в английском и каракалпакском языках.

Во всех языках структура глагола, его морфологические категории отличаются большим количеством, потому что он в предложении играет основную роль. Итак, категория залога принадлежит к числу самых важных и наиболее сложных грамматических категорий индоевропейских и тюркских языков. Она является основным средством передачи субъективно - объективных отношений, занимающих центральное положение в практической и познавательной деятельности человека и характеризующихся большим разнообразием.

Как известно, из научных статей, “Passive voice” обладает аналитическим свойством, а в тюркских языках глагол обладает синтетическим свойством. Изучающие эти языки в сопоставлении сталкиваются с некоторыми трудностями: а) в каракалпакском языкознании термин «дареже» употребляется относительно глагола, прилагательного и наречия. Этот термин степени сравнения имеет свои названия в дру-